

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил декабрь ойининг 19 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг очиқ суд мажлисида, ўз биносида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД биринчи минтақавий ҳудуд 1-сон тергов ҳибсхонаси билан видеоконференцалоқа режими орқали боғланган ҳолда, раислик қилувчи судья Б.Ташпулатов, судья ёрдамчиси Б.Ўтамуродовнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи А.Ш.З ва унинг ҳимоячиси адвокати У.Холиқов, жабрланувчи А.Аларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган А.Ш.Зга оид 1-1012-2201/442-сонли жиноят ишини судда кўриб чиқди.

**А.Ш.З (A.Sh.Z)** 00.00.1900 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2013 йил 26 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан ЖКнинг 82-моддаси тартибида 457.560 сўм жарима тайинланган ва ушбу жарима жазосидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2014 йил 21 январдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори 1-бандининг “в” кичик бандига асосан озод этилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2014 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 85-моддаси тартибида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навоий шаҳар судининг 2016 йил 18 майдаги ажримига асосан ўталмай қолган 11 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2017 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган;

4) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2022 йил 12 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 14 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Тошкент вилояти, ..... тумани, ..... М.Ф.Й, "....." кўчаси, 00-уйда рўйхатда туриб, яшаган, 24.11.2022 йилдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси ўз вақтида олган.



Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, йиғилган далилларга тегишлича ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Ш.З, хавфли рецидивист бўлган ҳолда, 2022 йил 7 ноябрь куни соат 02:10ларда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Янгиҳаёт тумани, Йўлдош-00 даҳаси, 00-уй олдида бўла туриб, шу ерда бўлган фуқаро А.А.М бириктирилган “Жентира” русумли, давлат рақами 10 000 DAV бўлган автомашинанинг қаровсиз қолдирилганидан фойдаланиб, ўзи билан ёнида олиб келган узунликни ўлчаш асбоби билан “Жентира” русумли автомашинанинг ҳайдовчи томон эшигини очиб, автомашинанинг ичида бўлган 220.000 сўм нақд пулларни ҳамда нархи 115 АҚШ доллари бўлган “Анти радар” қурилмасини яширин равишда ўғирлаб олиб, воқеа жойидан яширинган.

**Судланувчи А.Ш.З** судда айбига иқрор бўлиб, 2022 йил 7 ноябрь куни Янгиҳаёт тумани, Йўлдош-00 даҳаси, 00-уй ёнидан ўтиб кетаётганида кўзи оқ рангли “Жентра” русумли автомашинага тушганлигини, шу вақти ушбу машинани ўзи билан олиб келган узунлиги тахминан 30 см бўлган темирдан ишланган, узунлик ўлчаш асбоби билан эшигини ғайриқонуний тарзда очиб унинг ичида бўлган нарса ва буюмларни талон-торож қилиш нияти пайдо бўлганлигини, шундан сўнг ушбу машинанинг ҳайдовчи ўриндиғи жойлашган эшик томондан ўзи билан олиб келган узунлик ўлчаш асбоби билан эшик ушлагичининг тепа томонида жойлашган ойна ва эшик оралиғига тиқиб у ердаги ушлаб туриш симини пастга босиб, эшикни очганлигини, кейин автомашинанинг салонидан жами 220.000 сўм нақд пулларни ва унинг ёнида жойлашган фотоаппаратга ўхшаш қурилмани кейинчалик билишича “Антирадар” қурилмасини олиб, чўнтагига солиб катта йўл томонга кетганлигини, орадан тахминан 15 дақиқа вақт ўтганидан кейин у фотоаппаратга ўхшаш қурилма аслида “Антирадар” қурилмаси эканлигини билиб йўл ёқасига ташлаб юборганлигини, аммо у шу вақти “карбамизипин” ва “Финибуд” номли дори воситасининг таъсирида бўлганлиги сабабли ушбу жойнинг қаердалигини билмаслигини, автомашинанинг ичидан олган 220.000 сўм пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Ш.Знинг айби ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

**Жабрланувчи А.А судда**, 2022 йил 7 ноябрь куни унга Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан бириктирилган “Жентира” русумли, давлат рақами 10 000 DAV бўлган автомашинасида уйига келиб, дам олиш учун кириб кетганлигини, 2022 йил 8 ноябрь куни соат 07:00ларда ишга кетиш мақсадида автомашинага чиққанида ушбу автомашинанинг ҳайдовчи томон эшиги очиқ ҳолда бўлганлигини, кейин автомашинанинг салонига ўтирганида автомашинанинг салонидан ўзига тегишли 220.000 сўм нақд пуллар ва автомашинага ўрнатилган тезлик ўлчаш асбоби “Антирадар” қурилмаси ўғирланганлигини билганлигини, кейин кўшнисининг уйига кириб кузатув камераларни кўтариб кўрганида, тунги



соат 02:13ларда ёши тахминан 20:25лар атрофидаги, қора куртка ва қора кепка кийиб олган, осие миллатига мансуб бўлган эркак киши автомашинанинг эшикларини очиб, унинг ичидан юқорида номлари келтирилган нарса ва пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, унга номаълум бўлган томонга яширинганлигини кўрганлигини, шундан кейин у зудлик билан ИИБ ходимларига хабар берганлигини, ҳозирда унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан жазо тайинлашда енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи А.Ш.Знинг айби юқоридагилардан ташқари, жабрланувчининг аризаси, дастлабки тушунтириш хатлари, автотранспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадвал, далилий ашёни олиш тўғрисида баённома ва илова фотожадвал, далолатнома, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадвал, видео тасвири кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш тўғрисида қарор, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд судланувчи А.Ш.Знинг содир этган жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, тергов органи томонидан унинг “Ўғирлик, яъни хавфли рецидивист бўлган ҳолда ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари **Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди** билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича:- “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида:- “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55,56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Ш.Зга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, муқаддам айнан шу турдаги жиноят содир этиб, яна қасддан шу турдаги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолашни, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда бўлганлигини, етказилган моддий зарар қопланган бўлиб, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолашни, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Шу билан бирга суд, судланувчи А.Ш.Зга нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 28 январдаги ҳукми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш қазоси тайинланиб, Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг



2022 йил 12 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 14 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида унга юқоридаги ҳукм билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшишлик йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Жабрланувчи А.А.Мга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва судланувчи А.Ш.Зга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини инобатга олишни ҳамда ашъвий далил деб эътироф этилган бир дона “Sweetly” русумли дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

**А.Ш.З (A.Sh.Z)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

**А.Ш.Зга** Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, А.Ш.Зга тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 28.01.2019 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшилиб, ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 24 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ш.Зга қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи А.Ага етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва судланувчи А.Ш.Зга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашъвий далил деб эътироф этилган ва жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган 1 дона “Sweetly” русумли диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи:**

**ИМЗО**

**Б.Ташпулатов**

**Аслига тўғри:**

